



Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийси Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғай ўғиллари бўлган. У Умму Салама онамизнинг аввалги эрлари – Абу Саламанинг ўғиллари бўлганлар. У кишининг оталари вафот этгач, оналари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққанларидан кейин у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоқларида ўсганлар. Бу ҳақда у кишининг ўзлари:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғидаги бола эдим»,** демоқдалар.

Албатта, улар турмуш тақозоси билан бир уйда яшаганларидан кейин бир дастурхонда овқатланганлар ҳам. Ўшанда ёш бола бўлган Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳунинг қўллари таомнинг яхшисини, кўпроғини излаб, идишнинг ҳамма томонига бориб-келган экан.

**«Қўлим товоқда бориб-келар эди».**

Бу ҳолни кўрган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга таом тановул қилиш ҳақида таълим бердилар:

**«Эй ғулом! «Бисмиллаҳ» дегин, ўнг қўлинг билан егин, ўз олдингдан егин!» дедилар».**

Демак, исломий одоб бўйича таом ейишни бошлаганда «Бисмиллаҳ»ни айтиш ва таомни ўнг қўл билан ейиш керак. Ҳар ким ўз олдидан емоғи лозим.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларини Умар ибн Абу Салама жон деб қабул қилдилар ва унга умр бўйи оғишмай, амал қилдилар. Бу ҳақда ўзлари:

**«Шундан сўнг ейишим шундай бўлди»,** дейдилар.

Худди шу набавий тавсия барча мусулмонларга ҳам таълим бўлди. Ҳамма мусулмонлар таомни худди шундай ейдиган бўлдилар.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Катталар ёш болаларга таом тановул қилиш ва шунга ўхшаш ишларда исломий одобларни ўргатиб боришлари зарурлиги.
2. Таом тановул қилишни «Бисмиллаҳ»ни айтиб бошлаш зарурлиги.
3. Таомни ўнг қўл билан ейиш кераклиги.

Чунки чап қўл тозаланишга ишлатилади. Афсуски, кўпчилик, ҳатто кап-катта одамлар ҳам бу нарсани билмайдилар. Баъзида жуда ноқулай ҳолатларга тушиб қолинади.

4. Таомни ҳар ким ўз олдидан ейиши кераклиги.

5. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан етган ҳар бир ҳукмни мусулмон одам ўзи учун қонун-қоида қилиб олиши лозимлиги.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.